Ситуация с печатными изданиями на узбекском языке стала меняться по мере развития книгопечатания в Туркестанском крае, в частности в Ташкенте.

Немного истории:

История книгопечатания в Туркестане хранит имена крупного русского купца Ивана Семеновича Лахтина и его друга из Туркестанского края Исанбая Хусейинова, которые стояли у истоков развития типографского дела, именно они и завезли первое оборудование для типографского дела.

С 1870 года печатается официальное издание Туркестанского генерал – губернаторства «Туркестанские ведомости» и его приложение на узбекском языке – «Туркестон вилоятининг газетаси» («Газета Туркестанской области»). Первый номер "Туркестанских ведомостей" вышел 28 апреля 1870 года.

По распоряжению Кауфмана экземпляр газеты был послан Милютину. В ответном письме Кауфману от 5 июня 1870 года тот поблагодарил генерал-губернатора и отметил безусловную полезность издания газеты в Средней Азии: "Малая известность этого края, разнообразие богатств природы, начинающееся развитие промышленности, быт среднеазиатского населения... все это представляет богатый и интересный материал для исследований", - так оценивал министр перспективы газеты

Источник: Система образования. Печать в Туркестане в конце XIX — начале XX в. | Vek-Noviy.Ru

Источник: Рыженков М.Р. Вопросы истории, 1986, № 10.

Позже, 27 июня 1906 года под редакцией Исмаила Абидова вышел первый номер узбекской национальной газеты «Тараккий» («Прогресс»).

Благодаря развитию типографского дела уже в 1913 году вышло 56 названий книг тиражом свыше 118 тысяч, из них 37 наименований, то есть больше 30% от общего состава, тиражом 86 экземпляров это были книги на узбекском языке.

Развитие типографского бизнеса в Туркестанском крае сыграло огромную роль в издании книг для местного населения, издания трудов писателей и поэтов из числа местного населения, а также для развития библиотек.

Кокандский поэт Закирджан Фуркат (1858-1909) так описывает в своей автобиографии посещение типолитографии С.И.Лахтина в Ташкенте: «Когда я жил в Маргелане и видел у торговцев «Туземной газеты», то брал их и читал. Я удивлялся напечатанным в газете известиям, но не понимал настоящего значения ее. Относительно самого способа печатания газеты я много размышлял и предполагал, что слова газеты сначала вырезаются на большой железной доске, а потом уже отпечатываются на бумаге; если (думал я) таким образом делается, то это соединено с большою трудностью, так как каждую неделю приходилось бы вырезать такое количество слов. Кроме меня и другие маргеланцы думали так же. Но прибыв в Ташкент, я сходил в типолито-

графию Лахтина и там увидел несколько различных машин и станков; в маленьких деревянных ящиках (кассах) лежали Мусульманские и русские буквы, приготовленные из свинца, — каждая буква отдельными кучками. Когда нужно, наборщик составляет из этих букв целые слова, сообразно с рукописью, и ставит их в порядке. Приготовленные таким образом из букв строчки он скрепляет и ставит на большую машину, потом накладывается на буквы бумагу, а машина сама намазывает краской эти буквы и печатает»

Источник: *Кутец Лахтин и ташкентская улица Лахтинская — Письма о Ташкенте* (mytashkent.uz)

Таким образом, переписчиков-каллиграфов заменили машины. Историю развития книжного дела в Узбекистане изучал известный ученый — библиограф Бергер Е.К. (1887 - 1956), по учебникам которого училось не одно поколение библиотекарей, в том числе и автор данной статьи. В его трудах не забыто и имя торговца Исанбая Хусейнбаева и книголюба Лахтина, завезшего в Ташкент оборудование для типографии. Именно благодаря им, налажился выпуск книг на узбекском языке.

Принятые меры городских властей, пожертвования общественности и, конечно, развитие типографического производства в Ташкенте, способствовали тому, что в библиотеки края стали попадать печатные книги и газеты на узбекском языке.

О популярности андижанской первой библиотеки как очага культуры, самообразования и просвещения говорит и тот факт,

что за шесть лет ее функционирования, число пользователей возросло до 14 516 человек. Да и фонд вырос более, чем в 10 раз.


А к началу революции 1917 года фонд увеличился почти в 20 раз, составив уже 7260 экземпляров против 387 в 1907 году. В составе фонда было представлено 14 газет, 26 журналов различной тематики, изданные в центральных городах России, в Туркестанском крае на русском и узбекском языках.

Продолжение следует....



Золотой фонд зала редких книг

Прижизненные издания...

...Л.Толстого



...Александра Блока



Ҳикматни китобдан топдим



**Зухриддин
Салоҳиддинов**

*Тиббиёт фанлари
доктори,
профессор*

*Ўзбекистон
Республикаси
соғлиқни сақлаш
аълоҳиси*

Основная особенность этой статьи - открытый разговор о том, что значит книга в жизни автора. "Что это за книга, и что я почерпнул из нее, как она вошла в мою жизнь и что она мне дала, как она стала важной в моем становлении как личности?" –размышляет профессор о роли книги в его судьбе, профессиональной карьере. И подчеркивает, что именно книга помогает развивать ум и интеллект, обостряет и углубляет мыслительные способности, проясняет сознание

Кўпчилик йигитлар қатори 1964 йилнинг кузида мен ҳам ҳарбий хизматни ўташ учун сафарбар қилинган эдим. Биз хизмат ўтаган қисмда катта ва бой кутубхона бор эди. Кутубхона кенг залининг жавончаларида ниҳоятда кўп китоблар териб қўйилган эди. Буларни кўриб роса қувонганим эсимда. Улар асосан рус тилидаги адабиётлар бўлиб, айрим ўзбек тилидаги китоблар ҳам бор эди. Ҳарбий машқлардан кейин ҳар куни кутубхонага шошилар эдим. Китобларни танлаб олар ва уларни ўша ердаёқ ўқишга киришардим. Ётиш олдида яна қолганини ўқиб чиқардим. Менинг китобларга қизиқишимни сезган кутубхона мудираси ҳар киришимга янгидан-янги, бир - биридан қизиқарли китобларни танлаб, ажратиб қўярди. У менинг қайси турдаги китобларни севиб ўқишимни билиб олган эди. Шу тариқа ҳарбий хизматдаги уч йил давомида жуда кўп бадиий адабиётларни ўқиб чиқиш имкониятига эга бўлган эдим...

Биз оиламизда жаҳон адабиётлари сериясига обуна бўлган эдик. Шунинг учун уйимизда жаҳон адабиётининг дурдоналари мавжуд эди. Институтда ўқиб юрган чоғларимда дарсдан кейин, албатта бирон китобни олиб ўқишга ҳаракат қилардим.

Кўпроқ китоб ўқиб олиш имконияти бўлгани учун мен дам олиш кунларини орзиқиб кутардим. Уйимиздаги кутубхонага қирар эканман, бутун борлигимни ажойиб, илик ва ёқимли ҳис қилгандек бўларди.

Жаҳоннинг буюк алломалари - хорижнинг нуфузли ёзувчи ва шоирлари ёзган гўзал ва мазмундор китоблар гулшани ичида улардан-да кам бўлмаган мавқе ва жозибага эга бўлиб, бу гулзорга файз бериб, чирой таратиб, ўзбек мумтоз адабиётининг олтин асарлари гултожи бўлиб турарди. Нигоҳ солсангиз, улардан нур таралаётгандек бўларди. Уларга кулоқ солсангиз бир - бирлари билан унсиз оҳангда сўзлашаётгандек туюлади, узок ўтмиш садоларини эшитаётгандек бўласиз, тарих ва қадриятлар ифори атрофга таралаётгандек, китоблар хонаси ажиб сирли ҳавога тўлгандек бўларди. Уларга эътибор қилсангиз сиз билан мулоқотга киргандек бўлиб, менга қаранг, мени қўлингизга олинг, мен билан суҳбатлашиб завқ олинг деяётгандек бўлади. Мен Бобур кутубхонасининг бой адабиётлар оламига кириб қолсам ҳам, бошқа юртларда саёҳатлар чоғида китоблар билан учрашсам ҳам ўша хислар менинг кўнглимни тўлдиради.

Китоб нима, ундан нимани ўргандим, у ҳаётимга қандай кириб келди ва менга нималарни берди, инсон сифатида шаклланишимда қандай аҳамият касб этди, деган ҳаёлга чўмаман баъзан. Китобларни мунтазам ўқиб юришга ўрганган одамда интизом бўлади, қалбида эътибор ва эътиқод мавж уради. Билимлари ортади, дунёқараши кенг бўлади. Фаҳм ва фаросати ривожланади, фикрлаш қобилияти чархланиб янада чуқурлашади, онги тиниқлашади. Сўз бойлиги кўпаяди, ундайин одам билан суҳбатда бўлган киши роҳат ва завқ олади.

Асар қахрамонларидан ибрат олади, табиати гўзал сифатларга бойийди. Ёмон об-разлардан ҳам ибрат олади, одобни ўрганади

- у қилган ишларни қилмайди, бошқаларга манзур бўлмаган юмушлардан узоқ юришни ўрганади.

Чиройли ва мазмундор маърузалар, суҳбатлар қилиш қобилиятига эга бўлади, нотиклик санъати ҳам юксалади. Китобдан одам боласи одобни, ахлоқни, инсонийликни, камбағалпарварликни ўрганади. Ҳаётини эзгу ишлар билан тўйдириб, умрини савоб ишларни қилишга бағишлаб ўтади. Меҳр ва муҳаббатни кадрлайдиган бўлади....



**Шоҳида
Шақобитдинова**

*Филология фанлар
доктори,
профессор*

Китоб бебаҳо ва беминнат ўқитувчи

«Библиотеки - мое любимое место. Скучаю по детской библиотеке, которая находилась недалеко от парка имени А. Навои. Я по утрам приходила до ее открытия. И с нетерпением ждала возможности записаться в Областную библиотеку имени Бабура, которая оставила большой след в моей жизни» - читаем мы воспоминания автора, доктора филологических наук о зарождении потребности и тяги к чтению, которые она сохранила на всю жизнь.

Китоб энг яқин маслаҳатгўй, ҳеч қачон хиёнат қилмайдиган сирдош, ҳар бир саволингга жавоб берувчи донишманддир. Бизнинг авлод китобдан зўр гаджет бўлмаган даврда улғайган. Андижон шаҳрининг эски шаҳарида жойлашган камтаргина хонадонимизнинг асосий бойлиги китоблар эди. Китоб ўқишга илк интилишим 4-5 ёшимдан бошланган. Опа-акаларимдан китоб ўқиб беришларини сўрашдан зерикиб, ўзим мустақил китоб ўқий бошлаганимда ҳали мактабга бормас эдим. Шу-шу китоб менинг бир умрлик ҳамроҳимга айланди. Китоб ўқимаёй ўтган кунларим жуда кам. Бадий китоблар ҳам, илмий китоблар ҳам мен учун қизиқ. Тилшунос бўлсам-да, илм-фаннинг бошқа соҳаларига ҳам қизиқаман: илмий-оммабоп китобларни мунтазам кузатиб бораман. Болалигимда типографияда ишлашни орзу қилардим: янги чоп этилаётган китобларни биринчи бўлиб ўқиш катта бахт бўлса керак, деб ўйлардим. Қоғозга чоп этилган китоблар алоҳида маданият кўринишидир.

Унинг электрон кўринишлари бундай китоблар ўрнини боса олмайди. Замон тақозоси билан мен ҳам электрон манбалардан кўп фойдаланаман. Бироқ қоғозга чоп этилган китоблар мутолаасини доим соғинаман.

Уйимда мингдан ортиқ китоб сақлайман. Ўша кутубхонада кўрпачада ўтириб ёшлигимдан таниш, кадрдон китобни нечанчи бордир ўқиб вақт ўтказишни гоҳида ўзимга совға қилиб тураман. Сўзнинг сеҳри, магияси бор.

Оддийгина сўзлар ёзувчи маҳорати билан сирли занжир ҳосил қилади, юрагингизга, ақлингизга кириб боради. Мен таниган ёзувчи, шоирлар кундалик мулоқотда оддийгина инсонлар: бироқ ижод жараёнида батамом бошқача инсонга айланадилар. Китоб ўқир экансиз, ана шу оламга сиз ҳам кадам қўясиз. Кутубхоналар – мен севган даргоҳ. Ҳозир қайси мамлакатга борсам, кутубхонасини бориб кўришга ҳаракат қиламан.





Лекин болалигимда катнаганим Навоий боғи олдидаги болалар кутубхонасини соғинаман. Тонгда бориб очилишини кутиб турардим. Нимқоронғу кўримсиз хоналар мен учун чароғон қасрлардан афзал эди. “Катталар кутубхонаси”га –

Бобур номли вилоят кутубхонасига аъзо бўлишни орзиқиб кутганман. Ушбу кутубхона менин ҳаётимда катта из қолдирган, камтар, меҳнатқаш, кам маош олиб, кўп ишловчи ходимларидан доим миннатдорман.

Китоб ўқиш бугун мен учун ҳам кўнгул иши, ҳам касб тақозоси. 30 йилдирки, олий таълимда ишлаб келаман. 24 ёшимда номзодлик, 32 ёшимда докторлик ишини химоя қилдим. Профессор бўлдим. Ўнлаб шоғирдлар етиштирдим. Мен ҳам китоблар ёздим. Бунинг учун китобдан миннатдорман. “Китобни ёқишдан-да ортиқ жиноят ҳам бор, уни ўқимаслик” дейди Рей Бредбери. Ишонаманки, китобни сеувчилар орамизда кўп. Инсоният китоб ўқишдек анъанасидан асло воз кечмайди.



Ушбу чет эл журнал саҳифаларида муаллифнинг мақолалари чоп этилган



Қалбларда барҳаёт Муҳаммад Юсуф



**Замира
Шаҳобитдинова**

*Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона
маркази илмий методика хизмати раҳбари*

Статья посвящена открытию в андижанском областном ИБЦ при секторе по духовно- культурной работе с молодежью краеведческой мемориальной экспозиции, посвященной жизни и творчеству андижанского поэта Мухаммада Юсуфа, экспозиции, которая по праву претендует на звание “мини – музея”.

Ўзбекистон халқ шоири, Андижон фарзанди Муҳаммад Юсуф қисқа умр кечирди. Шунга қарамай, ундан чинакам, бетакрор ижодий мерос қолди. У ҳақиқий маънодаги барҳаётлик, ватан-парварлик, фидойилик, чин севги, муҳаббат, самимийлик, жамики инсонлардаги барча яхши фазилатларни ақс эттирган шеърлари билан нафақат ўзбек халқи, балки қардош халқлар қалбларидан ҳам алоҳида жой олди.

Муҳаммад Юсуфнинг бетакрор мисраларини ўқиган ҳар бир инсон унинг шеърлари қанчалик даражада содда ва раволиги, тушуниш осонлиги, инсон онгига осон сингиб, тезда ёд олиш мумкинлигига гувоҳ бўлади. Шоир сўзнинг бадий имкониятларидан маҳорат билан фойдаланган, туйғулар тиниклиги, майинлик, руҳият манзараларини жуда чиройли ифодалаган. У юксак даражада халқпарвар инсон бўлган. Ҳеч бир китобхонни бефарқ қолдирмайдиган она табиат, ватан, туғилиб ўсган юртига муҳаббат, энг олийжаноб

“Муҳаммаджон укамиз бир шеърда “Юртим, сени иддаолар қилмай севаман” деб айтганда қанчалар ҳақ эди. Дарҳақиқат, у ўз элини, халқи, Ватанини чин фарзандай, беғараз, сидқидилдан яхши кўрар эди. Шу меҳрнинг натижаси ўлароқ, унинг шеърляти ҳам худди шундоқ беминнат ва беғараз шеърлят сифатида майдонга келди. Ва бу оқкўнги, осмонқалб укамиздан худди шундай шеърлят ёдгор қолди.”

**Абдулла Орипов
Ўзбекистон Қаҳрамони**

ва юксак инсоний фазилатлар, ёшлик сурури ва муҳаббатнинг нафис наволари, бокира ва бетакрор туйғулар, кечинмаларни жуда аниқ ва чиройли ифодалаган. Шеърлари қалбга яқин бўлганлиги учун ҳам унинг жуда кўп шеърлари таниқли кўшиқчилар томонидан кўшиқ қилиб қуйланмоқда.

*Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним.
Ўзим ҳоқон, ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним.
Ёлғизим яғонам дейми?
Топингам қошонам дейми?
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним.*

Шоир Муҳаммад Юсуф 1954 йил 26 апрелда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида таваллуд топган. Кўҳна Мингтепа тарихий ёдгорлигига қараб болалик ҳаёлидан кечган тарих садолари кейинчалик бетакрор сатрларда юзага кўчган бўлса не ажаб. Унинг беғубор болалик йиллари олтин водийнинг Улуғтоғ этакларига туташиб кетган кўм-кўк адирлари, Жанубий Фарғона каналидан сув олиб, боғу роғларга айланган “Қовунчи” маҳалласида ўтган. Муҳаммад-жоннинг хонадонлари олдидан шарқираб оқиб турган Ҳизробод ариғи бор. Шоирнинг отаси Сотволдиев Юсуфжон колхозда аввал далада, кейинчалик омбор мудири вазиғасида ишлаган.

Гапни чайнамасдан, дангал гапиришни яхши кўрадиган, меҳнаткаш инсон бўлган.

Ўғлининг исмини Муҳаммаджон деб қўйганлари боис доимо “бизни исмимиз икки пайғамбарнинг исмларига монанд қўйилган” деб таъкидлаб айтган эканлар. Муҳаммад Юсуф билан фахрланган, “шоир ўғлим” деб хурмат қилган. китобларини кўлидан қўймай ўқиган. “Вой шоирим-эй” деб эркалатиб қўйган.

Шоирнинг онаси Энахон ая Ҳайдарова истарали, файзли, жуда содда, самимий, меҳрибон аёл бўлганлар.

Мактабдан сўнг республика рус тили ва адабиёти институтига ўқишга киради. Олийгоҳни 1978 йили битиради. Ижодга бўлган ҳавас уни Тошкентга чорлайди. Шоирнинг ўзи айтганидек, “Шоирлар кишлоқда туғилиб катта шаҳарларда танилар” экан.

Азим Тошкент шоир учун ана шундай такомил босқичи, шеърят бўстонида жўшиб ижод қилиши учун маънавий муҳит бўлиб хизмат қилди. Тошкентда 1978-1980 йилларда республика китобсеварлар жамиятида, 1980-1986 йилларда “Тошкент окшоми” газетасида, 1986-1992 йил-

бир гапим бор” (1987), “Илтижо” (1988), “Уйқудаги қиз”, “Ҳалима энам аллалари” (1989), “Ишқ кемаси” (1990), “Кўнглимда бир ёр” (1991), “Бевафо кўп экан, “Ёлғончи ёр” (1993), “Эрка кийик” (1995) ва “Осмонимга олиб кетаман” шеърый тўпламлари нашр этилиб, ўзбек адабиётининг энг сара асарлари каторидан ўрин олди.





Ўзлари шоиртабиат бўлиб, шеър ёзмасаларда, ҳар бир гапида мақол, ҳикматли сўз, ҳадис ёки икки катор шеър қўшиб гапирганлар.

Муҳаммаджон кишлоқдаги 25 мактабда ўрта маълумот олган. Мактабдалиқ чоғиданоқ шеър ёзишни бошлаган. 1967 йилда унинг республика “Гулхан” журналида босилган шеъри ёш қаламкашлар ўртасида шов-шув уйғотган ва таникли шоирлар эътиборига тушган эди.

ларда Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида турли лавозимларда ишлаган.

1995-1997 йиллари “Тафаккур” журналида бўлим мудири, 1997-2001 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида раис ўринбосари, 2-қақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлиги сифатида фаолият юритди.

Муҳаммад Юсуфнинг илк шеърлар китоби “Таниш тераклар” 1985 йили дунё юзини кўрди. Кейинчалик “Булбулга



У ўнга яқин шеърый тўпламлар, кўплаб қўшиқлар муаллифи сифатида китобхонлар қалбига кириб улгурди. 1989 йилда “Уйқудаги қиз” шеърый тўплами учун Республика Ёшлар ташкилотининг мукофоти берилди. 1998 йили “Ўзбекистон халқ шоири” деган юксак унвонга сазовор бўлди.

У 2001 йил 1 августда 47 ёшида оламдан ўтди. Муҳаммад Юсуф гарчи қисқа умр кечирса-да, ўзидан бир олам мангуликка дахлдор шеърлий мисраларни колдирди.

Вилоят ахборот-кутубхона марказида фаолияти давомида дунё миқёсида жаҳон ва миллий адабиётимизнинг ривожланишига бекиёс ҳисса қўшган таниқли ёзувчи ва шоирларнинг энг сара асарларини йиғиб, уларнинг ҳаёти ва ижодини аҳолига кенг тарғиб қилади. Андижоннинг севимли фарзанди, халқ севган халқпарвар шоир, ўзининг қисқа умри мобайнида сермазмун ижоди билан нафақат ўзбек халқи, балки бошқа қардош халқлар ўртасида ҳам юксак ҳурмат ва эътибор қозонди. Муҳаммад Юсуф ижодий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида унинг ижодига оид турли манбаларни бир жойга тўплаш, китобхонларга тақдим этиш, ватанпарварлик руҳидаги тарғибот ишларини кучайтириш ҳамда ўлканинг таниқли шахсларини ёшларга кенг таништириш мақсадида марказнинг 2-қаватида “Муҳаммад Юсуф ўқув зали” ташкил этилди.



Ўқув залида барчанинг юрагини ўзининг шеърлари билан забт этган Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган “Қалбларда ҳамиша барҳаёт” мавзусида кўргазмали экспонатлар ва стендлар ташкил этилди. Ўқув залига кирган китобхон улар учун ташкил этилган экспонатлар ёрдамида “Шоирнинг ҳаёти ва ижоди”, “Ёшлик даврлари”, “Оила аъзолари”, “Ижодий фаолияти” ва “Китоблари” номли кўргазмали стендлар орқали шоирнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш имкониятига эга бўладилар.

Ўқув залидаги мавжуд 8 та устунда шоирнинг барча учун бирдек ўзига жалб этувчи мисралардан иборат шеърлари ўрин олган. Ўнг томондаги тўрт устунда “Ватаним”, чап томондаги тўрт устунда “Иқроп” номли

шеърлари битилган стендлар ўрин олган. Ташриф буюрган ҳар бир ўқувчи нигоҳини ушбу шеърлар албатта ўзига тортади.

*Эй менга эртақлар сўйлаган замин,
Эргашиб изингдан қолмасман сенинг,
Ўзгалар наздида боғи эрамнинг
Жийданг япроғига олмасман сенинг.
Ватан, қайда бўлмай, сен ҳамроҳимсан,
Боболарим ётар саждагоҳимсан.*

Бундан ташқари марказ китоб жамғармасида мавжуд шоир асарлари ва даврий нашрлардан иборат кўргазма экспонатларга ҳамоҳанг тўлдирилган. Кўргазмага қўйилган Муҳаммад Юсуф асарлари ҳамиша китобхонлар томонидан қўлма-қўл бўлиб суюб ўқилмоқда.

“Муҳаммад Юсуф ўқув зали” мунтазам китобхонлар билан гавжум. Бу ўқув залида фаннинг барча соҳаларига оид китоблар мавжуд. Дардан сўнг барча талабалар ва ўқувчилар кутубхонага шошиладилар.

Дарс жараёнига ёрдам тариқасида берилган вазифаларни шу ўқув залида ўтириб бажаришни ёқтирадилар. Чунки дарс тайёрлаш жараёнидаги кичик танаффусларда кўргазмалардаги севимли шоири Муҳаммад Юсуф ижодидан баҳраманд бўладилар. Уларнинг орасида ҳам шеърятга қизиқувчи ёшлар талайгина.



Мукамал таъмирдан сўнг ўзгача бир киёфа касб этган кутубхонага саёхат қилувчилар сафи ҳам кенгайди. 2021 йил июнь-декабрь ойларида кутубхонага 186 марта саёхат ташкил этилган бўлса, унда 3548 нафар иштирокчилар ташриф буюрган.

Бир куни саёхат қилиш учун келган гуруҳда шоирнинг набираси Тўмарис Муҳаммаджанова ҳам бор эди. Унинг учун бобосининг номига очилган “Муҳаммад Юсуф ўқув зали” кутилмаган янгилик эди. Бобосининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган экспонат, стендлар ва кўрғазмаларни кўриб жуда хурсанд бўлди, бобоси билан яна бир бор фахрланди. Фахр туйғуси билан марказ ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирди. Шундан буён бу ўқув зали унинг энг севимли дарсхонасига айланди.

Ахборот-кутубхона марказ томонидан шоир Муҳаммад Юсуф ижодий фаолиятини тарғиб этувчи “Қалбларда барҳаёт Муҳаммад Юсуф” телеграмм канали ҳам очилган. Унда шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятига тааллуқли барча материаллар ўз аксини топган. Марказ ижтимоий тармоқларида “Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида” деб номланган рукн остида шоирнинг ижодий фаолиятига оид машхур инсонлар ва дўстларининг фикрлари бериб борилмоқда.

“Шоирлар ўлмайди”, деб айтишгани айни ҳақиқат. Халқ севган шоир Муҳаммад Юсуф ҳамиша қалбларимизда барҳаёт.

Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида:

“Муҳаммад Юсуф худо берган қобилият эгаси эканлигига ўзим гувоҳ бўлганман. Бир даврада Чўлпоннинг “Кўклам” деган шеъри ҳақида сўз борди. У менинг таърифимдан таъсирланиб кетдим, ичкари хонага кириб кетди-да 10-15 дақиқа ўтгач чиқиб, кўлимга “Кўклайим” шеърини тутқазди. Уни менга бағишлаганини айтди. Шеърни ўқиб, кўзимдан ёш чиқиб кетгани ўшанда”.

Озод Шарофиддинов
Ўзбекистон Қаҳрамони

Мен Муҳаммадjon билан узоқ йиллар мобайнида ёнма-ён яшадим, ёнма-ён ишладим. Ҳали ёшлик йилларидаёқ бунчалик кўп мухлис орттирган, дўст-оғайниси бисёр ижодкорни кам кўрганман. Санъаткорлар-ку, унинг ҳар бир мисрасини созга олишга тайёр эдилар.

Буларнинг сабаби нимада? Биринчи навбатда

Муҳаммадjon яхши инсон эди. Яхши инсонларга бошқалар ҳамиша талпинадилар.

Эркин Воҳидов
Ўзбекистон Қаҳрамони

Муҳаммад Юсуф шеърлари орқали нафақат ўзини, балки қанча-қанча ҳофизларни, хонандаларни элга танитди. Шоирнинг ҳар бир сўзи шеър эди. Унинг “Ўзбекистон” шеърини бир эсланг-а! Қандай гўзал, жозибали, кучли кўшик бўлди. Ҳатто ёшлар гимнига айланиб кетди”.

Юлдуз Усмонова
Ўзбекистон халқ артисти

“У жуда тез оғизга тушди. “Тошкент оқшоми”, “Ўзбекистон овози” газеталаридаги фаолияти эса уни бошқа оламга олиб кирди.

Ҳалима Худойбердиева.
Ўзбекистон халқ шоири

Болани ўқишга ўргатиш



Перед библиотечными работниками в плане привлечения к чтению населения есть одна важная задача – научить культуре чтения. Настоящие рекомендации адресованы родителям, которым предстоит с раннего детства прививать любовь и потребность к чтению, развивать ребенка посредством примеров из книг. Здесь и советы по продолжительности чтения, времени, когда наиболее удобно приобщаться к чтению, учет возрастных особенностей детей. Уделено внимание и контролю родителей за скоростью чтения на основе советов психологов, педагогов.

Давлатимиз раҳбари томонидан китобхонлик маданиятини шакллантириш масаласи кун тартибига бежиз қўйилмади. Бунинг негизида китобни билиб танлаш, англаб ўқиш, ўқиб амал қилиш туради. Китобхонлик маданиятини шакллантириш ва юксалтиришда оила+мактаб+ кутубхоналар ҳамкорлиги муҳимдир. Зеро, болаликдан китобга меҳр уйғотиш - бу фарзанд келажагини, оила фаровонлигини белгиловчи омиллардан энг муҳимидир. Қуйида биз ота-оналарга болаларни китоб ўқишга ўргатишда керак бўладиган тавсиялар билан таништирамиз.

Кичик ёшдаги фарзандларни тарбиялаётган ота-оналар учун тавсиялар:

-Мақтабгача тарбия ёшидаги болажонлар ва мактаб ўқувчиларининг фанларни ўзлаштиришларида ота-оналар ва фарзанд ўртасидаги мулоқот жараёни ва юзага келаётган масъулият ҳисси, аввало, фарзанднинг нафакат билим доирасининг кенгайишига, балки тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир. Фарзандингиз китобни севиши учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратинг:

- Китобни овозингизни чиқариб ўқиётганда, бу сиз учун жуда мароқли эканлигини фарзандингизга кўрсатинг.
- Фарзандингизни китобни ардоқлашга ўргатинг. Китобни чанг ҳолда қолдириш, китобнинг устига чойнак ёки қаҳва қўйиш каби ишларни ҳеч қачон қилманг.

-Китоб ўқиётганингизда саҳифалар орасига хатчўп қўйинг, ўқиб бўлгач, ўз жойига олиб бориб қўйинг. Унутманг, қуш уясида кўрганини қилади.



Б аланд овозда, тез-тез, бир хил тарзда ўқиманг. Овозингиз ифодаси матнга мазмунига мос тушсин. Сиз китобни ўқиш давомида хикоя ёки эртакни маълум бир жойида тўхтанг ва бола ўқилган эртак ёки хикояни янада юракдан теранроқ тушуниши, ҳис қилишига имкон беринг. Китоб қаҳрамонларининг бундан кейинги хатти-ҳаракатлари қандай бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларини сўрасангиз ҳам бўлади.

К итob қаҳрамонлари характерларини овозингиз ёрдамида етказиб беришга интилинг. Гоҳида баландроқ, баъзида секин, баъзида кувнок. Лекин ўта ролга кириб кетиб ошириб юборманг. Ортикча драматизм болани ўзи ўқилган матнни миясида тассавур қилишига, ҳаёлан расмини чизишига халақит бериши мумкин.

А гар матн жуда узун бўлса уни қисқартиринг. Якунини қисқа қилиб айтиб беришингиз мумкин. Лекин асарнинг услубини сақлаб қолишга интилинг.

Ф арзандингиз қачон эртак эшитишни хоҳласа, унга куннинг қайси вақтида бўлишидан қатъий назар эртак ўқиб беринг. Ота-оналарга бунинг учун вақт ажратиш қийин кечиши мумкин, лекин унутманг, бу фарзандингиз учун керак.

А гар тунда уйку олдидан болангизга китоб ўқиётган бўлсангиз якуни албатта хайрли тугайдиган китобни танланг.

У ни эртак эшитишга кўндирманг, уни қизиқтиринг. Болага китобни ўзи танлашини таклиф қилинг.

Б олангизга китоб дўконига олиб боришингизни айтинг. Паркка, ҳайвонот боғига олиб борадиган пайтингиздаги кўтаринки кайфият сизларга ҳамроҳ бўлсин.

Ф арзандингизга китоб танлашда унинг қизиқишларини ҳисобга олинг, мураббиялари ва мактаб ўқитувчилари билан маслаҳатлашинг.

К итobни ҳар гал ўқиганда матн ёки расмларда янгидан янги қирралар очилишига фарзандингизнинг эътиборини қаратинг.

Ф арзандингиз китоб ўқиётганда ёки расмларни томоша қилаётганда бошқа ишларга чалғитманг.

А гар фарзандингиз битта эртак ёки китобни такрор ва такрор ўқиб ёки сўзлаб беришингизни хоҳласа - такрорланг. Чунки фарзандларингизга бу эртакдаги воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар, овозингиз мароми ёқмоқда.

Н отаниш китобни фарзандингизга ўқишдан аввал, албатта, ўзингиз ўқиб чиқинг.

Ёшлигингизда ўзингизга ёққан китобларни фарзандингизга ҳам ўқиб беринг.

Агар фарзандингиз эртак ўқишингизни, ёки эртак эшитишни хохламаса – мажбурламанг. Барибир бу фойда келтирмайди. Китоб ўқиш завқли бўлиши керак.

Вактни ҳисобга олинг. Мутахассисларнинг фикрича, 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларга ўртacha 10 минут, 3 ёшдан 5 ёшгача 15-20 минут ва ҳ.к. сарфлаш психологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ.

Китоб ўқиётганда фарзандингиз сизнинг ортингиздан сўзларни такрорласин, расмларни томоша қилсин. Болага таниш эртакни ўзи такрорлашига ҳам имкон беринг.

Мактаб ёшидаги фарзандларни вояга етказётган ота-оналарга тавсиялар:

Мактаб ёшидаги фарзандингиз уйда китоб ўқиганда, дарс тайёрлаганда, ёки мустақил билим олаётганда ота-оналар эътибор қаратадиган бир қатор жиҳатлар мавжуд.

- Бошланғич синф ўқувчилари учун бир кунда 30 дақиқадан кейин танаффус қилиш шarti билан энг кўпи 2 соат китоб ўқиш, дарс тайёрлаши;

- Юқори синф ўқувчилари учун бир кунда 45-50 дақиқадан кейин танаффус қилиш шarti билан энг кўпи 4 соат китоб ўқиш, дарс тайёрлаш тавсия этилади.

Агар фарзандингиз китоб ўқиётганда шундай ҳолатини кузатган бўлсангиз, билинки, у қулай жойлаша олмаган.

Шу билан бирга фарзандингиз умуртқа поғонасининг тўғри ривожланиши ва мутолаа давомида кўзига ортиқча оғирлик тушмаслиги учун мутахассислар томонидан тавсия этилган бир қатор маслаҳатлар мавжуд:

- Фарзандингизнинг дарс столи хонанинг энг ёруғ ерида жойлашгани мақсадга мувофиқ. Унга табиий ёруғлик тушсин. Соялар китобга тушмаслигига эътибор бериш керак.

- Фарзандингизнинг умуртқа поғонаси учун тик ўтириши, оёқлари стулдан 90 градусда букилиб жойлашиб, ерга тегиб туриши муҳим.

- Стол устидаги лампа мактаб ўқувчиси учун ўта муҳим жиҳоз. Агар фарзандингиз ўнг кўлда ёзса, лампа чап томонда туриши лозим. Агар чапақай бўлса ўнг томонга жойлаштирасиз.

- Столнинг баландлиги боланинг кўкрак қафаси баландлигига тўғри келиши керак.

- Унутманг, китоб ўқиётганда китобнинг қия ҳолатда туриши кўз ва умуртқа саломатлигини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Тез ва тушунган ҳолда ўқиш - фикрлаш, диққат, хотирани кучайтиради. Ота - оналарнинг фарзандини билим олиши, китоб ўқишини доимий равишда кузатиб бориши ва қизиқиши табиий ҳол. Китоб ўқиш техникасига оид баъзида юзага келадиган бир қатор саволларингизга куйида жавоб топасиз:

Фарзандининг ўқиш тезлиги кўплаб ота-оналарнинг эътиборини тортадиган жиҳатлардан бири эканлиги табиий ҳол. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўқиш тезлиги бўйича бир қатор меъёрлар мавжуд.

Масалан :

1 синф ўқувчилари учун:

1-ярим йилликда 1 дақиқада 25-30 сўз

2-ярим йилликда 1 дақиқада 30-40 сўз

2 синф ўқувчилари учун:

1-ярим йилликда 1 дақиқада 40-50 сўз

2-ярим йилликда 1 дақиқада 50-60 сўз

3 синф ўқувчилари учун:

1-ярим йилликда 1 дақиқада 60-70 сўз

2-ярим йилликда 1 дақиқада 70-80 сўз

4 синф ўқувчилари учун:

1-ярим йилликда 1 дақиқада 90-105 сўз

2-ярим йилликда 1 дақиқада 105-120 сўз

Ота-оналар фазандларининг ўқиш тезлигини уйда ўзлари кузатиб боришлари ва кўмак беришлари мумкин. Бунинг учун телефонингиздаги секундомердан фойдаланишингиз мумкин. Келинг, бу борада ҳам психолог ва педагог мутахассислар тавсияларига эътибор қаратамиз:

Фарзандингиз учун нотаниш, лекин ўқиши қулай бўлган матн танлаб олинади. Ҳарф шрифтилари хажми ва сўз тузилишига эътибор беринг.

Биринчи синф ўқувчилари учун вергул, икки нукта, тире ва бошқа матнни қийинлаштирувчи белгиларсиз бўлиши керак.

Матн расмларсиз ва диалогларсиз 1 та бетда бўлгани маъқул.

Ўқишидан олдин фарзандингиз хаяжонланмасдан, тинч ўқишини тушунтириб ўтинг. У ўқийётганда баъзи ҳарф ёки сўзларни нотўғри ўқиса, дарров тўхтатманг. Фақат қайси сўзда адашганлиги ёки тўхтаб қолганлигини эътиборга олинг.

Фарзандингиз ўқиган матнни тушуна олди ми йўқми билиб олиш учун матнга оид саволлар бериб кўринг.

Боланинг матн ўқиш тезлигига турли омиллар таъсир қилиши мумкин. Бола чарчаган бўлиши, инжиқланиши мумкин. Саломатлиги ҳам бу ўринда ҳисобга олинг. Эрталаб, тушдан кейин, кечки пайтларда турли матнлар ёрдамида синаб кўринг. Натижани қайд этиб боринг.

Боланинг тез ўқишига жуда катта урғу берманг. Унинг кўпроқ ўқишига эътибор қаратинг. Бу дунёқарашини ўстирибгина қолмай, сўз бойлигини ҳам оширади.

Фарзандингизнинг ўқиш тезлиги мактабда турли фанларни ўзлаштиришига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан биридир.

Китоб ўқиш техникасини махсус ўйинлар ёрдамида ҳам яхшилаш мумкин:

-Дарс қилиш давомида 5 дақиқа овоз чиқариб ўқиш. Мактабда бу жараён барча ўқувчилар билан тенг ўқазилади;



-Уйқуга кетиш олди дан ўқиш;

-Маълум вақт берилган ҳолда матн ўқилади. Вақт тугаганда ўқувчи қайси сўзга келиб тўхтаган бўлса, шу жойга белги қўйилади;

-2-машқ орфографик ўқиш тарзида давом эттирилади. Матнда сўз қандай ёзилган бўлса шундай ўқиш –орфографик ўқиш;

-Яна бир машқ орфоэпик ўқиш тартибида ўтказилади.

Орфоэпик ўқиш – сўз ўзаро муомилада қандай гапирилиши, сўзланиши бўйича ўқилади;

-Матннинг юқори ёки пастки қисмини линейка ёки қоғоз билан беркитган ҳолда ўқишни таклиф этинг;

-Матн орасида сўзлар кўп. Фарзандингиз сиз айтган сўзни топиши керак;

-Матнни тескари, яъни “оёғини осмондан” қилиб ўқишни таклиф қилинг;

-Матнга тўғри урғу бериш ва керакли жойда тўхтаган ҳолда ифодали ўқишга эътибор кучайтиришни машқ қилиш мумкин;

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Йўлдошев Э. Кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш: ўқув қўлланма / Э. Йўлдошев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2002. –128 б.

2. Йўлдошев Э. Кутубхона ва ёш китобхон / Э. Йўлдошев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2003. – 298 б.

3.Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт / Масъул муҳаррир М.Бекмуродов. – Тошкент : Фан, 2004. – 192 б.

Вақтли матбуот нашрлари

4.Абдуллаева Н. Китоб бебахо ҳазина:[болада китоб мутолаасига муҳаббатни шакллантириш хусусида] / Н.Абдуллаева // Халқ сўзи. – 2005. – 8 апр.

5. Ибрагимов Х. Китоб – офтоб / Х.Ибрагимов // Фидокор. – 2006. – 14 февр.

6. Ниёзова Ш. Китобхоннинг ҳам китобхони бор / Ш. Ниёзова // Маърифат. – 2009. – 29 апр.

Интернет ресурслардан маълумотлар

7.Техника чтения. Критерии оценивания скорости чтения:[электронный ресурс] <https://gamejulia.ru>. кириш тартиби, эркин.

8. Сколько слов в минуту необходимо читать детям [электронный ресурс] <https://amakids.ru>. кириш тартиби, эркин.



Оилавий китобхонлик – инсон маънавиятини бойитади

В 2002 году в Андижанском областном информационно-библиотечном центре был создан отдел семейного чтения. Семейный культурный отдых, возрождение традиций семейной гармонии путем обмена идеями в процессе занятий с детьми, приобщения детей к чтению – такие были цели. А как идет реализация этих целей вы узнаете, прочитав статью.



Умида

Қодирова

*Электрон ресурслардан фойдаланиши
ва ўқув зали хизмати оилавий ўқишга ёрдам
сектори бош кутубхоначи*

Зохида

Халбекова

*Илмий - методика хизмати ахборот-кутубхона
технологиялари бўйича етакчи мутахассис*

Жамият тараққиётида оилавий китобхонлик даражаси жамият тараққиётига ҳам бевосита боғлиқ. Чунки оилавий мутолаа бу оила аъзоларининг ақл-заковатини ва юксак маънавиятини шакллантирувчи, инсон маънавий дунёсини бойитувчи, китобга меҳр-муҳаббат уйғотиб, уни заруриятга айлантирувчи муҳим омилдир. Оилавий китоб ўқиш анъанаси тарбияга яхши таъсир кўрсатадиган воситалардан бўлиб, у болаларга нафақат билим беради, шу билан бирга оилада катталар ва кичиклар ўртасида самимий, ишончли алоқаларни янада мустаҳкамлайди. Бадиий юксак китоблар оила китобхонлигини қай даражада ривожлантирса, ўқимишли оилалар, уларнинг аъзолари шу даражада жамият тараққиётига ҳисса қўшади.

Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказида ҳам 2002 йилда “Оилавий китобхонлик кафедраси” ташкил этилган. Бундан кўзланган мақсад: оилаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга ёрдам бериш, уларни биргаликда билим олишлари, маданий хордиқ чиқаришлари, бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашишишига кўмаклашиш ва бу орқали оилавий китобхонлик анъаналарини қайта тиклашдан иборат эди.

Мана 19 йилдирки “Оилавий китобхонлик кафедраси” китобхонларни оилавий мутолаага жалб қилиш, уларни маънавиятини юксалтиришда, мақсадли машғулотлар жараёнида ота-оналар ва болаларни ижодий сифатларини шакллантириш. Китоблар орқали катталар ва кичиклар ўртасидаги самимий алоқаларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

“Оилавий китобхонлик кафедраси” қошида 2010 йилда ташкил этилган “Кутубхона иккинчи оилам” клуби машғулотларини болажонлар сабрсизлик билан кутадилар. Чунки мунтазам ўтказилувчи клубнинг мақсадли машғулотлари ҳамisha қизғин.

2018 йилдан бошлаб клубимиз икки йўналишда фаолият юритади: “Эртақлар яхшиликка етаклар” ва “Зукко билимдонлар” йўналиши. “Эртақлар яхшиликка етаклар” йўналиши маҳаллаларда истиқомат қилаётган аёллар ҳамда уларнинг фарзандларини бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ёш оналарга фарзанд тарбиясида кўмак бериш, болалиқдан ёшлар онгига маънавий-ахлоқий қадриятларимизни мазмун моҳиятини чуқурроқ сингдириш, болалар саводхонлигини янада ошириш

уларда ёшликдан китобга меҳр уйғотишга хизмат қилса, “Зукко билимдонлар” йўналиши таълим муассасаларида тахсил олаётган ёшларни қизиқишларини ўрганиш, уларнинг қизиқишлари бўйича иқтидорини намоён қилиш, уларда етакчилик сифатларини шакллантириш йўлида хизмат кўрсатмоқда.

Болалар дунёси шу қадар кенгки, уларни тушуниш анча мураккаб, чунки бола нимани кўрса шунга тақлид қилади, эшитганига, кўрганига ишонади. Китоб шу ўринда ота-онага асосий кўмакчи бўлади. Бола тарбиясида, одобида, унинг ўқимишли инсон сифатида камолга етишида эртак китобларини ўрни бекиёсдир. Шаҳардаги 5-15-45-65-МТМ, ва “Зукко болажон” МТМларининг болажонлари “Бувижоним эртаклари”нинг асосий мухлис-лари. STEMskool ҳамда 5-24-29-15 мактаб бошланғич синф ўқувчилари иштирокидаги интерфаол усулда ўтказилаётган машғулотлар болаларга билимларини ошириш билан бирга ўзгача бир кайфият улашиб уларни тез тез кутубхонага ташриф буюришга чорлайди. Жорий йилда 22 марта ўтказилган “Бувижоним эртаклари” тадбирларида 267 нафар болажонлар иштирок этдилар.

<https://t.me/andijonakm>



Бундан ташқари 2018 йилдан Андижон вилояти радиоси билан ҳамкорликда “Бувижоним эртаклари” лойиҳаси доирасида ҳафтанинг ҳар жума кунда ахборот-кутубхона маркази мутахассислари томонидан ўқилган аудио-эртаклар вилоят радиосида эшиттириб борилади. Бу аудио эртаклар ахборот-кутубхона марказининг https://t.me/audio_ertaklar телеграм канали орқали ҳам кенг китобхонлар оммасига масофадан тақдим қилиб борилмоқда.

“Эртаклар яхшиликка етаклар” адабий театрида кутубхоначилар ва волонтерлар томонидан мактабгача таълим ташкилотларининг жажжи болажонлари ва умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари учун китобни, мутолаани тарғиб қилувчи ўзбек ва жаҳон халқлари эртакларидан театрлаштирилган тамошалар намоиши ва ундан сўнг ўқиш, чизиш ва бўяш учун хар хил эртаклар ва расмилар китобларнинг тақдим қилиниши бу тадбирларнинг натижадорлигига самарали таъсир кўрсатмоқда.



Ўтказилган мақсадли машғулотлар, албатта, ёшларни миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, буюк аجدодларимизнинг бизга қолдирган бебаҳо мероси ва турли миллий ўйинларимиз билан янада яқинроқ таништиришга имкон яратмоқда. Ходимлар томонидан саҳналаштирилган “Сичқонча ким билан дўстлашди?”, “Эчки болалари”, “Буратинонинг саргузаштлари”, “Илм афзалми – бойлик афзалми”, “Қарғавойнинг мактаби”, “Китоб буюк мўъжиза”, “Китоблар суҳбати”, “Китоблар сўзлаганда”, “Бўри очибди мактаб”, “Интернетдаги тузоқ” каби кўплаб мусикали эртак саҳна кўринишлари нафақат болажонларни балки уларнинг ота-оналарни ҳам қизиқшини, кутубхонага бўлган ишончини янада оширмоқда.

Ҳар бир эртак учун кутубхона ходимлари томонидан ўзгача бир тайёргарлик кўриш, эртак қаҳрамонларига хос кийимларни ўз қўллари билан тикиш, тайёрлаш, эртакларга шеърлар ёзиш, мусикали чиқишлар учун шеърларни ёдлаш уларнинг қанчалик даражада вазифасига сидқидилдан, меҳр билан ёндашаётганини кўрсатади.

Оилавий китобхонлар зиёкорларимиз кўрсатаётган хизматларидан мамнунлар. Кун сайин оилавий ўқийдиган китобхонлар сони ортиб бормоқда. 2020 йилда оилавий китобхонлар сони 2987 нафарни ташкил этган бўлса, 2021 йил якунига келиб уларнинг сони 3875 нафарни ташкил қилади. Фаол оилавий китобхонларимиздан Саматова Мунаввархон, Усмонова Мавлудaxon, Юлчиева Хайитхон, Тоштемирова Махфиратхон, Умирзақов Маъмиржон, Жўрабекова Зулфизар, Мусоева Хабибахон, Жўраева Мақсудахонлар оилалари китоб ўқишда ҳам, тадбирларда китобхонликни тарғиб қилишда ҳам фаоллар.



Клубимизнинг “Зукко билимдонлар” йўналиши машғулотларида адабиётга, шеърятга қизиқувчи, шеър ёзишга иқтидори бор ёшлар билан Республика маънавият маркази, ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда 36 марта машғулотлар ташкил қилинди. Фарид Усмон, Нусрат Абдусалом, Ҳабиб Сиддиқ, Замира Рўзиева, Хуршидабону, Ғани Мажид, Восит Ахмад каби таникли шоир ва ёзувчилар иқтидорли ижод эшигига қадам кўяётган ёшларимиз билан клуб машғулотларида учрашиб уларга керакли тавсиялар, кўрсатмалар ижодкорликнинг сир асорлари, шеър ёзиш қоидалари, тартиби ва малакасини ўзлаштиришга ёрдам бермоқда. Ўзаро ҳамкорлик натижасида 2020-2021 йиллар давомида клубимиз аъзоларидан 3 нафар иқтидорли ёшларимиз Рухшона Махмуджонованинг “Оппок тилаклар” шеърый тўплами, Мубина Аюбжонованинг “Онамни асрагин” шеърый тўплами, Мумтозбегим Сайфитдинованинг “Беғубор болалик” китоблари чоп этилди.

Клуб иштирокчилари учун йил давомида тадбирларнинг турли шаклларидадан фойдаланган ҳолда ўзбек адабиётининг истеъдодли адиблари ҳаёти ва ижодини ўрганиш, ўқиган китоблари юзасидан “Жумбоқли квест ўйинлари”, “Бу кимнинг асари” топишмоқ ўйинлари, “Расмлар орқали китоб номини топинг” каби машғулотлар, турли мутахассислар билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирлар “Ёш оналарга маслаҳат” “Соғлом турмуш-соғлом оила” каби семинарлар, “Эртактерепия” “Китобхонлик масъулияти” каби машғулотлар, фаол китобхон оналаримиз, отинойилар билан биргаликда

“Қизларимга насиҳат”, “Қизлар хусниодоб”, “Келинлик илми” каби китобхонликни тарғиб этувчи “Менинг сеvimли китобим”, “Китоб ўқишнинг фойдалари”, “Китоблар оламига саёҳат”, “Китоб инсонга қанот” каби ақлни чархловчи онлайн викториналар, заковат ўйинларинг ўтказилиши ўқувчиларнинг билим савиясини янада ортишига, мутолаа маданиятини ривожлантиришига хизмат қилмоқда деб айтсак тўғри бўлади.

Ёшлар тарбияси жамият тараққиётини, келажак авлоднинг маънавий қиёфасини белгилар экан, бундай масъулиятли вазифага барчамиз бирдек масъулмиз. Бу борада айниқса оилавий китобхонлар билан фаол ишлашни изчиллик билан давом эттиришимиз зарур. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда китоб ва кутубхоналарнинг ўрнини юксалтириш асосий вазифаларимиздан бўлмоғи лозим. Билим китоб орқали эгалланса, самарали ўқув жараёни ахборот-кутубхона муассалари кўмагида ташкил этилади.

Эндиликда кутубхоналар ёш авлоднинг таълим - тарбиясини мустақамлашда, билимини мунтазам бойитишда, салоҳиятини намоеън этишда самарали таъсир кўрсата оладиган, бунга имкон яратиб берадиган маърифат ва маънавият масканига айланаётганлиги билан аҳамиятли. Кутубхоначилар эса маърифат ва зиё тарқатишдек масъулиятли ишда ҳамиша камарбастадир.

Маълумот - библиография хизмати: янги технологиялар

Андижанский областной информационно – библиотечный центр имеет большой опыт библиографического обслуживания пользователей. Накоплен солидный банк справочной информации по актуальной для области тематике. Сегодня, считает автор статьи, с учетом технологических и инновационных методов, предоставленных читателю, возрастает требовательность к качеству и своевременной доставке информации конкретному потребителю. «Перед нами большие перспективы и созданы все условия для их реализации, что, безусловно, позволит нам еще больше повысить эффективность нашей работы» - заключает автор.



**Шохида
Шокирова**

*Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази
Ахборот-библиография хизмати раҳбари*

« ...ахборот-коммуникация соҳасидаги охирги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга ёшларимизни китобга бўлган қизиқишини оширишга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим »»

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев*

Бугун юртимизда соҳа бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлардан шуни кўриш мумкинки, китоб мутолааси, китобхонлик, кутубхоначилик соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кутубхоналарни ташкил қилиш, китобхонликни ривожлантириш, аҳолини китоб ўқишга ва кутубхоналарга жалб қилиш борасида эътиборли ишлар амалга оширилмоқда.

Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказимизнинг бу йўналишдаги фаолиятини ташкил қилишда анъанавий иш шакллари билан бир қаторда янги лойиҳалар орқали ёшларни

кутубхонага жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, “оила+мактаб+кутубхона” бирлигини таъминлаган ҳолда иш фаолиятини ташкил қилишга эътибор кучайтирилди.

Бугунги кунда янгича қиёфа кашф этган кутубхонамизга фойдаланувчиларга яратилган шарт-шароитлари билан яқиндан танишиш мақсадида - мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, олий таълим муассалари талабалари ва оилавий ҳолда фарзандларини болалигидан китобга ошно қилиш мақсадида

Ўғил-қизларини қўлларидан етаклаган ҳолда кутубхонага сайёҳатга олиб келаётган ота-она, бува ва бувижонларимиз, меҳнат жамоалари ҳамда чет эллик меҳмонларнинг қадами узилмайди. Зиё масканига кирган кишининг кўзи қувониши, кўнгли тўлиши, тафаккури юксалиши аниқ. Бинодаги ажойиб муҳит кирганки одамни ўзига чорлайди. Босма нашрларнинг хиди димоғингизга урилади, кайфиятингиз ўз ўзидан кўтарилади.

Кутубхоначилар учун кутубхонага ташриф буюрган ҳар бир инсон кадрли. Ахборот-библиография хизмати мутахассислари ахборот библиография хизмати кўрсатишни кутубхона бўйлаб саёҳатдан бошлайдилар.



Китобхонларга кутубхона тарихи, бугунги кун, ташкилий тузилмаси, бўлим ва секторларнинг жойлашуви, фойдаланувчилар учун яратилган шароитлар, имкониятлар, фойдаланиш қоидалари ва тартиби, билан таништирадилар.

Мукаммал таъмирлаш ишларидан сўнг янги мазмун ва қиёфа касб этган кутубхонага саёҳат қилиш кўпчиликнинг қизиқишида бўлди. 2021 йил июн ойида Президентимиз ташрифидан сўнг йил якунига қадар фойдаланувчилар ва меҳмонлар учун 230 дан ортиқ сайёҳатлар ташкил қилинди. Дастлаб фақат танишиш учун саёҳат учун ташриф буюрган китобсеварлар бугун кутубхона фойдаланувчилари сафига қўшилганликлари бизни жуда қувонтиради.

Кутубхонамиз мутахассислари томонидан юртимизнинг бошқа ҳудудларида туриб ҳам кутубхонамиз бўйлаб виртуал сайёҳат қилиш имконини берувчи роликлар тайёрланди марказнинг веб саҳифаси ҳамда ижтимоий тармоқлардаги каналларда жойлаштирилиб: <https://andijon.natlib.uz>; <https://t.me/andijonakm/>; <http://facebook.com/libandijan>; <http://instagram.com> масофадан туриб аҳолини кутубхонага виртуал саёҳат қилишига имконият яратилди.

Андижон вилоят телерадиокомпания билан ҳамкорликда “Хазинамсан-китоб” туркум кўрсатувининг бир сони махсус кутубхона бўйлаб сайёҳатга бағишланди.

Бу кўрсатувни вилоят телевидениясида тез тез эфирга узатилиши чекка ҳудудларда яшовчи аҳолига ҳам бугунги замон талаби даражасида таъмирланган ва жиҳозланган вилоят ахборот кутубхона маркази ҳақида ахборотларни етказилишига ёрдам берди.

Китобхонлик маданиятини шакллантириш ва янада ривожлантиришда кутубхоналаримиздаги анъанавий иш шаклларида услубий, библиографик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва китобхонларга ҳамда кутубхоначи мутахассисларга тақдим этиш ҳам мутолаа тарғиботида ўзига хос ўрин тутди. Библиографлар томонидан қўлланмалар тузишда китобхонларнинг ёши ва қизиқишларини ҳисобга олишга эътибор қаратиш зарур.


Масалан:

- “Фарзандларнинг китоб ўқишини ташкил этишда ота-оналарга маслаҳатлар” мавзусида китобхонга эсдалик оилада мактабгача тарбия ёшидаги ва бошланғич синф ўқувчилари бўлган ота-оналарга мўлжалланган.
- “Китоб ҳаёт йўлимиздаги маёқдир” мавзусидаги библиографик қўлланма ўсмир ёшлар учун мўлжалланган. Китоб танлаш ва китоб ўқиш жараёнларини тўғри ташкил этишга кўмак бериш мақсадида педагог, психолог ва кутубхоначиларнинг тавсияларини жамлаган.

АКМлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида жорий йил давомида жами 12 та услубий-библиографик қўлланмалар ишлаб чиқилди ва ахборот-кутубхона муассасаларига тақдим этилди.

Шу билан бир қаторда муҳим ва унутилмас саналар муносабати билан тузилган библиографик қўлланмалар ҳам АКМ китоб фондиди тарғиб этиш ва маълум бир мавзу бўйича кенг китобхонлар оммасига адабиётларни тавсия этишда алоҳида ўрин тутади. Жорий йилда Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан тузилган “Дунёга эзгулик улашган зиё” мавзусидаги библиографик кўрсаткич ва “Навоий зиёси”, Андижонлик шоира Саида Зуннуова ҳаёти ва ижодига бағишланган “Хотиралар уйғонганда” мавзусидаги дайжестлар, Андижон вилояти ташкил топганлигининг 80 йиллиги муносабати билан тузилган “Андижон вилояти саноати: кеча ва бугун” мавзусидаги ретроспектив кўрсаткич, Андижонлик таниқли адиб Қамчибек Кенжа таваллудининг 75 йиллигига “Ижодкор кўнгил кечинмалари мавзусидаги библиографик шарҳ, ўзбек циркининг ташкилотчиси Тошканбой Эгамбердиев таваллудининг 155 йиллигига тайёрланган “Афсонага айланган умр” мавзусидаги варақа, Андижонлик таниқли олим ва шифокор Зухриддин Салоҳиддиновнинг илмий фаолиятини ёритган ва чоп этилган асарлари библиографиясини ўз ичига олган биобиблиографик кўрсаткич, “Зиё масканимиз

ислохотлар кўзгусида” мавзусида варақа ва бошқа 20 номдаги қўлланмалар тузилиб, фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этилди. Бу библиографик қўлланмалар мавзу бўйича аниқ маълумотлар ва ахборот ресурсларини бир жойда рўйхати шаклланади, албатта китобхонга керакли китоблар ва даврий нашрлардаги маълумотлар жамламасини бир жойнинг ўзида тез топиш имконини беради.



АКМ библиография хизмати мутахассислари томонидан ўсмир-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида дардан ташқари ўқиш учун адабиётлар рўйхати шакллантирилди. Бу рўйхатни тузишда аввало катта ёшдаги ва ўсмир ёшдаги китобхонлар, ёзувчи ва шоирлар, кутубхоначи ва педагогларнинг фикрлари, тавсиялари ўрганиб чиқилди. Ёшларга мурожаат этаётганимизда уларга “Мактабнинг юкори синфларида ўқиётган ўқувчилар учун сиз ўзингиз ўқиган қандай китобларни тенгдошингизга тавсия эта оласиз”, –


савол билан мурожаат қилдик. Улар тавсия этган адабиётларнинг 15 фоизга яқини бадиий адабиёт, қолгани эса психология, бизнес, тарих, чет тилларни ўрганиш ва фалсафага оид адабиётларни ташкил этди. Таҳлил натижаларига кўра, шунингдек кутубхонамиз китоб жамғармасини айнан ёшлар талаб ва эҳтиёжга асосан бойитиш учун адабиётлар рўйхати ҳам шакллантирилди.

Фойдаланувчиларга тезкор маълумот-библиографик хизмат кўрсатишини ташкил этишда Ўзбекистон ва Корея мутахассислари томонидан яратилган UZNEL автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимида ахборот кутубхона ресурсларини библиографик ёзувларини шакллантириш ишларининг амалга оширилиши ахборот-қидирув тизими самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бу соҳа бўйича яратилган махсус дастурий таъминотда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида китобхонларнинг ахборотга бўлган талабини тезкорлик билан ва сифатли қондириш учун барча имкониятлар яратилган. 2021 йил давомида ахборот библиография хизмати томонидан дастурга даврий нашрларда чоп этилган мақолаларнинг 4054 та библиографик ёзувлари киритилди. Бу ёзувлар китобхонларга мамлакатимизда нашр қилинаётган даврий нашрларда республика ва вилоятимиздаги энг долзарб масалалар ҳақида маълумотларни тезкор олишига кенг йўл очади.

Бу қувонарли албатта. Эндиги вазифамиз китобхонларда ахборот - қидирув малакасини янада ўстириш, жумладан жаҳоннинг ва юртимиздаги турли кутубхоналаридан, таълим ресурсларидан ахборот олиш имкониятлари ҳақида изчил ахборот бериб боришдан иборат. Масофадан ахборот – олиш имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишларига кутубхоначилар яқин кўмакдош бўлишлари бугунги кун талабидир.

Албатта, бу борада келажакда амалга ошириладиган ишларимиз кўлами кенг. Олдимизда катта истикболли режалар, уларни амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган, бу эса, албатта, ишларимиз самарадорлигини янада оширишга имкон беради.



Партнерский проект «Школа читательской культуры»

Сегодня школа видит свою основную задачу в обеспечении нового качества образования, от которого зависит дальнейшая жизненная успешность нашего выпускника, каждого человека и общества в целом. Здесь освоение современных образовательных программ, воспитание гражданственности, трудолюбия, уважения к старшим, любви к Родине, формирование здорового образа жизни и других нравственных ценностей. Для эффективного выполнения поставленных задач, школа ищет пути совместных действий за пределами своего пространства. В этом плане уже долгое время мы активно сотрудничаем с социальными учреждениями города, в том числе и с областным информационно – библиотечным центром имени Бабура, читателями и участниками массовых мероприятий которой являются наши дети.

Совместными усилиями, используя не только педагогические, но библиотечные ресурсы, мы создаем условия и возможности учащимся расширить общеобразовательный кругозор, особенно тем, которые стремятся к самореализации в интеллектуальных соревнованиях – Олимпиадах, конкурсах.

Клара Захирова

*Директор средней
общеобразовательной
школы № 24
г. Андижана*



Мақтаб директорининг фикрлари:- «Кутубхона кучли ахборот ресурслар манбаи, профессионал адабиётлар ҳақида доимий маълумот ва янгиликларга эга бўлиши биз учун муҳим, мақтаб ўқувчиларимиз учун ўқув машғулоти мавзуси бўйича билимларни мустақамлаш ва кенгайтириши, умумий ривожланиши учун дарс жараёнига қўшимча сифатида китоблар ва даврий нашрларни олиши, кутубхонанинг мақсадли тадбирларида иштирок этиб, маданият дам олиши биз учун жуда муҳимдир».

Мақтабимиз ва ижтимоий ҳамкоримиз З.М.Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ижтимоий шерикликнинг мавжуд тажрибасини ҳисобга олган ҳолда 2022 йилда "Мақтабда китобхонлик маданиятини шакллантириши" кўп йиллик лойиҳани амалга оширишни режалаштирган.

Так, ученики нашей школы принимают участие в международных олимпиадах и являются призёрами олимпиад- Hippo-2020, Spelling bee,(анг.яз) SEAMO (матем), что очень нас радует.

Например, призером международной Олимпиады стала наша ученица 10 класса Усмонжонова Бибисора, участвуя в национальном туре Международной Олимпиады по английскому языку «Speling bee-2021».

А ученики 9-11 классов в 2020 году приняли активное

участие в городском конкурсе «Бобур авлодлари» и заняли 2-е место в городском этапе, показав отличные знания о жизни и деятельности нашего земляка. Участие в конкурсах «Видео юного читателя» - на городском и областном уровне принесло 1-е место ученице 11 класса Джамолдиновой Мадинахон.

Предметом нашей гордости и оценки эффективной работы считаем и тот факт, что 24 наших ученика приняли активное участие в Международной математической

Олимпиаде учащихся 1-11 классов «Кенгру-2021»

Администрация и преподавательский коллектив поощряет желание детей участвовать в таких состязаниях, так как считает, что это помогает им развиваться, дает мотивацию на углубленное изучение предмета, определяет уровень их знаний, развивает самоорганизацию и системное мышление,

а также позволяет им определить степень подготовки к поступлению в вузы.

И есть результаты. Нас радует тот факт, что в 2021 году **58 % выпускников школы № 24 стали студентами вузов.**

На достигнутом не останавливаемся. Своей очередной задачей определяем направление углубленного воспитания и повышения интеллектуальной

деятельности учеников с учетом возрастных особенностей **через привлечение к активному чтению, обучения культуры чтения.**

Эта работа уже началась на уроках внеклассного часа и цель ее – мотивировать учащихся к чтению через презентацию книг, прочитанных администрацией и учителями, лидерами из числа учащихся.

«Хочу, чтобы наши учащиеся научились читать книгу – что-то подчеркнуть, на какой – то страничке оставить закладку, на которой записали бы свои мысли, идеи, вопросы, которые пришли во время чтения и которые им хотелось бы воплотить в жизнь.

Это будет первый и верный шаг к самоопределению своего места в жизни-делится директор школы »»

В этом плане планируем в дальнейшем целенаправленно усилить взаимодействие и координацию работы с областным информационно-библиотечным центром имени З. М. Бабура.

Библиотека – это мощный информационный ресурс, А педагогическому коллективу важна постоянная информация о новинках профессиональной литературы, к тому же нашим школьникам важно получать книги и периодику как дополнение к укреплению и расширению знаний по теме учебных занятий, участвовать в культурно – досуговых мероприятиях с целью общего развития и воспитания.

Совместные мероприятия областного информационно-библиотечного центра, школьной библиотеки и преподавательского состава, планируем направить не только на приобщение школьников к чтению, но и на получение навыков содержательного чтения, культуры чтения. Для этого будут широко применяться консультации и рекомендации специалистов о наиболее предпочтительных книгах,проводиться уроки обучения навыкам работы с книгой. Весь этот комплекс мероприятий будет иметь своей целью развитие творческих и познавательных способностей школьников и станет основой совместного с информационно – библиотечным центром имени Бабура партнерского проекта «Школа читательской культуры». Начало реализации проекта – 2022 год. Надеемся, что проект будет успешным, так как ясно представляем себе его потребность и мотивацию.





Тадбиркорларга ахборот-кутубхона хизмати

Озода Бурхонова

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази Электрон ресурслардан фойдаланиш ва ўқув залалари хизмати раҳбари

Малому и среднему бизнесу для повышения профессиональных знаний необходимо получение максимально полной информации о лучшем производственном опыте, как в нашей стране, так и за рубежом. Но на практике есть ряд проблем, связанных с организацией обслуживания этой категории читателей. Автор анализирует проблему и находит выход в социальном партнерстве.

Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, мактабгача ва умумтаълим муассасалари, корхоналар, ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари, хусусан, маҳалла фуқаро йиғинлари билан ижтимоий ҳамкорлик бўйича муайян тажрибага эга. Бундай жамоатчилик муносабатлари тизими, албатта, аҳолининг барча қатламларини китобхонлик ва ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини кенг таъминлашга хизмат қилади. Биз учун ижтимоий шериклик кутубхонанинг капитали бўлиб, кутубхонани жамият учун муҳим ва зарур ижтимоий институт сифатида кўрсатиш имконини беради. Шахсни ривожлантириш, ўз-ўзини бошқариш, етук баркамол авлодни тарбиялашда керакли маълумотларни тақдим этадиган институт.

Бугунги кунда реал иқтисодиётни яратаётган, юртдошларимиз - бизнес вакилларини иш билан таъминлаётганлар учун ахборот-кутубхона муассасасининг ресурслари ҳамда салоҳиятидан фойдаланиш вақти келди ва биз ижтимоий шерикликнинг янги босқичига етиб келдик.

Бизнес учун маълумот асосдир. Айнан маълумотлар туфайли тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий муҳит: қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, Президент ва ҳукумат қарорлари, ҳисобот ва солиқлар тўғрисидаги ҳужжатлар ва ҳоказолар яратилган. Бугун йирик бизнес технологик жиҳатдан ҳам, турли профилли мутахассислар билан ҳам таъминланган.

Аммо кичик корхоналар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳар доим ҳам бундай имкониятларга эга эмас. Қолаверса, тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатлари, Президент ва ҳукумат қарорлари, имтиёзлар, уларнинг бизнес соҳасига оид билимини оширишга ёрдам берадиган маълумотлар қониқарли бўлмай, улар билан ишлашга вақт ҳам, тажриба ҳам етарли эмас.

Ўз бизнесини ташкил қилиш, қўшни давлатлардаги ҳамкасблар тажрибаси билан танишиш учун ҳам маҳорат керак. Бундан ташқари кўпинча танланган бизнес таълимга ихтисослашмаган бўлиши мумкин. Шу ерда бизда савол туғилади бу тоифадаги бизнес

вакилларига ким ёрдам беради? Бир вақтнинг ўзида кўплаб саволлар туғилди: уларни қаердан топиш керак, улар учун ахборот хизматини қандай ташкил қилиш керак, буни ким орқали амалга ошириш керак? Жавоб дархол топилди. Андижон вилояти савдо-саноат палатаси. Айнан шу ерга ўз бизнесини бошлаётган бизнес вакили боради.

Ҳа, худди шундай. Хато қилмабмиз. 232 дан ортиқ кўшма корхонадан 1600 дан ортиқ йирик бизнес вакиллари вилоят савдо-саноат палатаси аъзоси ҳисобланади. Савдо-саноат палатасида уларга маслаҳатлар, инвесторлар топиш имкониятлари, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда. Биз эса ўзимизнинг ахборот-библиографик хизматларимизни нафақат босма нашрлар асосида балки, масофадан туриб замонавий ахборот технологиялари ёрдамида уларни керакли маълумот ва ахборотлар билан таъминлашга қарор қилдик.

Ҳар бир тадбиркор ўз бизнесининг асосларини ўрганиши муҳим, деб ҳисоблаймиз. Тадбиркор тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчилик ва давлат ҳужжатларини билиши зарур. Тадбиркор ўз бизнеси йўлида энг яхши маҳаллий ва хорижий тажриба билан танишиши керак. Шунда у ўз ғояларини мақсадли амалга ошириш, жамоаси ишини тўғри йўлга қўйиш, бизнес-режани тўғри тузиш қоидаларини билиши зарур.

Дунёқараши, билими ва касбий маҳоратини ошириши керак.

Бу йўлда уларни керакли ахборот ва маълумотлар билан таъминлашимиз учун барча палата аъзоларини жамлаган телеграм канали орқали ахборот ресурслари билан таъминлаш хизматини бошлашимиз керак.

Дунёқараши, билими ва касбий маҳоратини ошириши керак. Бундан ташқари тадбиркорлар билан ишлаётган мутахассислар уларнинг муаммоларини биздан кўра яхшироқ билишади. Улар ёрдамида биз айнан тадбиркорларга қандай маълумотлар кераклигини билиб оламиз ва шунга монанд ахборот билан таъминлаб борамиз.

Айнан мана шу юқорида айтилганлар бўйича Андижон вилояти савдо-саноат палатаси ходимларига бу борада ҳамкорликда ишлашни таклиф қилдик.

Бизнинг ишимиз кўшимча маслаҳатлар, ахборот алмашиш ва ижтимоий ҳамкорликнинг мақсад ва вазифаларидан бошланди. Натижада ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Биринчи қадам – мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида кўшма битимга эришилди: ижтимоий шериклик шартномаси имзоланди.



Ҳамкасбимиз хотирасига Тўхтаев Исмоил Иброхимович



14 февралда 2022 йили унинг 85 ёши тўлиб кетди. Бари, кимки унинг ҳаёти ва ишлари билан яқиндан таниш бўлган, унинг ҳаёти ва ишлари билан яқиндан таниш бўлган, унинг ҳаёти ва ишлари билан яқиндан таниш бўлган.

Тўхтаев Исмоил Ибрагимович (1937 йилда туғилган). Бу йил у 85 ёшга тўлган бўлар эди. Исмоил Ибрагимович Тўхтаев билан ҳаёт ва ижодда яқин бўлган ҳар бир киши уни меҳрибон, камтарин, камгап инсон, кутубхонашунослик соҳасида катта билимга эга зўр мутахассис сифатида эслайди. Исмоилжон Тўхтаев 1937 йил 14 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. Такдир тақозоси билан Тухтаевлар оиласи Андижон шаҳрига кўчиб келади. 1963 йили у Қўқон давлат педагогика институтининг кутубхоначилик факультетини тамомлайди. Ўқиб-дан сўнг, биринчи иш жойи, Бобур номидаги вилоят илмий универсал кутубхонасига ишга жойлашади. Ишга бўлган масъулиятлиги туфайли тез орада у илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига тайинланади. Директорнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари сифатида вилоят, қишлоқ ва колхоз кутубхоналари фаолиятини методик таъминлашга катта эътибор қаратади. Ўша даврларда кутубхона тармоғи кенгайиб, профессионал кадрлар етишмас эди.

Қишлоқ кутубхоналарининг муваффақиятли ривожланиши кутубхоначилик билими асосларига эга бўлган, китоб фондларини яхши биладиган, китобхонларга юқори даражада хизмат кўрсата оладиган, оммавий тадбирларни ташкил эта оладиган малакали кутубхоначилар билан тўлдирилишига боғлиқ эди. Ўзларининг дўстлари ва ҳамкасблари Қаҳҳоржон Қабулов, Гуломжон Маҳмудов, кутубхона жамоасидаги таниқли инсонлар билан биргаликда ўша даврнинг асосий муаммоларидан кутубхоначи ходимларнинг малакасини ошириш каби ечимнинг бошида турдилар. Вилоят кутубхонаси негизида биринчи марта колхоз ва қишлоқ кутубхоначилари учун 6 ойлик малака ошириш курслари ташкил этилди. Унда соҳада фаолият юритаётган вилоятдаги барча кутубхоначилар ўз малакасини оширдилар.

Кутубхонада нодир адабиётлар секторини ташкил этишда унинг хизматлари катта бўлган. Айнан шу даврда И.Тўхтаев бошчилигида кўплаб қадимий, нодир, қўлёзма китоблар йиғилиб, сектор фонди бойитилди ва бу қўлёзмалар фонди Бобур кутубхонасининг фаҳрига айланди. 1985 йилда И.Тўхтаевни вилоят болалар кутубхонасини бошқаришга таклиф қилишади. Бу ерда у собик директор Мельникова Нина Петровнаининг ишини давом эттиради. Исмоилжон Тўхтаев узоқ йиллар давомида Вилоят болалар кутубхонасига раҳбарлик қилди ва вилоят болалар кутубхоналар тармоғи фаолияти республикадаги энг яхшиларидан бирига айланди.

Бугун унинг шогирдлари вилоят кутубхоналарида меҳнат қилиб, ўз устозини миннатдорчилик билан ёдга олишади!

Муҳим воқеаларнинг ДАЙЖЕСТИ

2022 йил 1-чорак


Бизнинг буюк шахсларимиз

Наши юбиляры

Чўлпон таваллудининг 125 йиллигига

АНДИЖОННИНГ ТОНГ ЮЛДУЗИ

Судьба одного из самых прогрессивных поэтов начала XX века Чулпана была и успешной и трагичной. Родился в 1897 году в Андижане. Обучался в медресе г. Андижана, в русско – туземной школе, продолжил образование в Ташкенте, где открывает для себя европейскую культуру. Чулпон был инициатором открытия первой Мусульманской библиотеки рукописных книг в Андижане. Драматург, переводчик русской классики на узбекский язык. Попал в 30-е годы под чистку, в 1937 году арестован и в 1938 году расстрелян. В 1956 году был посмертно реабилитирован.



XX аср бошларида ижод қилган андижонлик шоир Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг тақдири муваффақиятли ҳамда фожиали бўлган. Чўлпон 1897 йилда Андижонда туғилган. У мантик, тарих, фалсафага жуда қизиқарди. Аввал Андижондаги, кейинчалик Тошкентдаги мадрасада таҳсил олади. Унинг таржимаи ҳолидаги қизиқ факт: Андижоннинг Эски шаҳар қисмидаги мадрасада 1917 йилда Чўлпон кутубхона ташкил қилади ва ўзи унинг биринчи раҳбари бўлади. У рус маҳаллий мактабида ўқийди. Рус адабиёти классикларини севиб ўқиб, европа маданиятини кашф этади. Унинг илк асари “Садои Туркистон” газетасида чоп этилади.

1917 йил Чўлпон учун ижодий самарали йил бўлди. Чўлпоннинг айрим шеърлари рус тилида нашр этилганлиги сабабли русийзабон китобхонлар уни 1924 йилда шоир ва адиб сифатида таний бошладилар. Истеъдодининг кўп қирралилиги драматургияда ҳам яққол кўзга ташланади. Унинг пьесалари томошабинлар орасида жуда оммалашади. Бундан ташқари у А.С. Пушкин, М.Горький, Вильям Шекспир асарларини ўзбек тилига таржима қилиш билан ҳам шуғулланади.

30-йилларда у ижодий зиёлиларга қарши қаратилган тозалашга тушади. 1937 йилда ҳибсга олинди, 1938 да отиб ўлдирилган. 1956 йилда ўлимидан сўнг реабилитация қилинади

[Чулпан, Абдулхамид Сулейман угли — Википедия. Что такое Чулпан, Абдулхамид Сулейман угли \(wiki2.info\)](#)
[Безвременно погасшая звезда - Новости Узбекистана сегодня: nuz.uz](#)

Миллий опера намоёндаси

Шаходат Рахимова родилась 5 января 1919 года в Намангане. Но ее творческая жизнь была связана с Андижаном, где в 13 лет она вышла на сцену Андижанского областного музыкально – драматического театра, где в 20 лет стала народной артисткой Узбекистана, а впоследствии яркой звездой национальной оперы.

Шаходат Рахимова создала яркие образы на сцене театра и в кино. В 1939 году она переходит в театр имени Мукими.

После окончания учебы в Московской консерватории (1951 г.) она начинает работать в Государственном академическом Большом театре оперы и балета имени Алишера Навои как солистка

Песни в ее исполнении заняли место в золотом фонде нашей национальной фонотеки.



Ўзбекистон халқ артисти Шаходат Рахимова 1919 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Лекин унинг ҳаёти Андижон билан узвий боғлиқ. У 13 ёшидан Андижон вилояти мусикали ва драма театрида саҳнага чиқади. Шаходат Рахимова "Гулсара" пьесасида Гулсарани, "Аршин мал алан"да Гулчехрани, "Фарҳод ва Ширин" да Шириннинг жозибали образларини яратган. 1939 йили актриса "Қасам" номли биринчи овозли бадий фильмга қақрилади. У ерда машҳур театр арбоблари Лутфихоним Саримсақова, Асад Исматов, Етим Бобожоновлар билан бирга фаолият олиб боради. Театр саҳнасидаги нутилмас образлари ва катта Фарғона канали курилишидаги концертларда фаол иштироки

учун "Ўзбекистон халқ артисти" унвони билан тақдирланади.

Шаходат Рахимова 1939 йилда Мукимий театрига ишга тақлиф қилинади ва у ерда яратган образлари билан томошабинларни ўзига мафтун қилади.

1951 йилда актриса Москва Консерваториясини тугатгач Алишер Навоий номли давлат-академик катта опера ва балет театрида балет солисти бўлиб ишлайди. Умрининг сўнгги йилларида Ш.Рахимова Ўзбекистон Давлат филармониясида солист бўлиб ишлайди. Унинг ижросида "Дилором", "Саламно", "Қора кўзлар", "Интизор", "Салом айлагач" каби кўшиқлари миллатнинг олтин фонди ҳисобланади.

[Shahodat Rahimova - Wikipedia \(wikipedia.org\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Shahodat_Rahimova)

Подробнее на Кино-Театр.РУ
<https://www.kino-teatr.ru/teatr/acter/sov/253170/bio/>

Читать полностью: <https://www.km.ru/kino/encyclopedia/rakhimova-shakhdat-rakhimovna>

Севгига тўлган юрак

Саида Зуннунова родилась 15 февраля 1926 года в г. Андижане. Закончив Андижанский педагогический институт, работала учителем, литературным работником в редакции андижанской газеты «Пахта Фронти». Позже поступает на филологический факультет Центрально-Азиатского государственного университета. Работает консультантом в журнале «Гулхан», газете «Ўзбекистон маданияти» и издательстве «Художественная литература», а также в Союзе писателей Узбекистана. Ее сборники «Твоя девушка написала» (1948), «Новые стихи» (1950), «Долина цветов» (1954) и другие, пользовались успехом у читателей.

Произведения Зуннуновой были переведены на русский, турецкий языки.

Умерла в 1977 году в возрасте 51 года после тяжелой болезни. Награждена знаком Почета.



Ўзбекистон халқининг севимли шоираларидан бири Саида Зуннунова 1926 йил 15 февралда Андижонда таваллуд топган. Андижон Педагогика институтини тугатгач, Андижоннинг "Пахта Фронти" (кейинчалик "Коммунист" деб қайта номланди) газетаси тахририятида адабий ходим бўлиб ишлади. Ва шу газетада 1945 йилда илк шеърини эълон қилади.

Адабиётга муҳаббат ёш шоирани Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетига етаклади. Институтни тугатгач, "Гулхан" журнали, "Ўзбекистон маданияти" газетаси ва "Бадий адабиёт" нашриётида, шунингдек Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи бўлиб ишлайди.

Саида Зуннунованинг "Қизингиз ёзди" (1948), "Янги шеърлар" (1950), "Гуллар водийси" (1954), "Қизларжон" (1962), "Шеърлар" (1964), "Бир йил уйлари" (1967), "Нилуфар" (1972) шеърини тўпламлари мунтазам нашрдан чиқади.

Шунингдек, Саида Зуннунова ўзини иқтидорли насрнафис сифатида ҳам намоён этади, ҳар хил даврларда унинг "Гулбахор" (1956), "Янги директор" (1957), "Гулхан" (1958), "Олов" (1962), "Одамлар орасида" (1964), "Ойдин кўчалар" (1965), "Сен билан завкланаман" (1972), "Директор" каби касса ва ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. Саида Зуннунова насри меҳнат ва оила ҳаётидан сўзлаб, улардаги бош қаҳрамон аёл тимсолида гавдаланади. Нашр этилган насрий асарлари ўқувчида катта қизиқиш уйғотади. Шоиранинг асарлари рус ва турк тилларига таржима қилинган.

Саида Зуннунова "Ҳурмат белгиси" нишони билан тақдирланган. Шоира 1977 йил 51 ёшни қарши олиб, дунёдан кўз юмди.

[Saida Zunnunova tarjimai holi, she'rlari, asarlari, faoliyati \(mbaza.uz\)](http://mbaza.uz)

[Saida Zunnunova. O'shanda ham kuz edi. | Xurshid Davron kutubxonasi \(kh-davron.uz\)](http://kh-davron.uz)

[Саида Зуннунова асарлари Туркияда ўрганилмоқда \(uza.uz\)](http://uza.uz)

["Сен томон талпинар юрак" фильми Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова ҳақида ҳикоя қилади \(yuz.uz\)](http://yuz.uz)



10.06.2013 йилда Тошкентдаги Ўзбекистон миллий боғида Саида Зуннунова ва Саид Аҳмадларнинг ҳайкали барпо этилган.



От редколлегии:


У андижанцев немало знатных и знаменитых на весь мир земляков.

На нашей земле родились, жили, живут люди с мировым именем: полководцы, ученые, врачи, писатели, артисты, художники, спортсмены. Их трудом, талантом мы вправе гордиться. Они достойны быть примером подрастающему поколению.

Предлагаем вашему вниманию книги, газетно – журнальные статьи, интернетресурсы о них, которыми располагает наш областной информационно – библиотечный центр имени Бабура. Материал будет публиковаться раз в квартал ко Дням памяти или дням рождения знаменитостей. Надеемся, что полученная информация будет хорошим подспорьем в мероприятиях патриотического воспитания.

Всякая благородная личность глубоко сознает свое кровное родство, свои кровные связи с отечеством.
В. Г. Белинский

Андижонлик Бошқирдистон рангтасвир



Руденченко Виталий Алексеевич 1940 йилнинг 3 февралда Андижонда туғилган. Ёшлигидан рассомчилик санъатида жуда қизиқади. 1966 йилда Тошкентдаги М.Р.Бенков номидаги санъат коллежини, кейинчалик 1974 йилда Ленинград хайкалтарошлик ва архитектура институтини тугатгандан сўнг Уфада яшайди ва ишлайди. Бу ерда портрет жанри ва монументал санъатини яратди. 1977 йилда ўзининг шахсий кўргазмаларини ташкил этади. 1985 йилда Краснодар ўлкасида асосий асарлари галереяси яратилди. Бугунги кунда унинг асарлари коллекцияси Бошқирдистон Давлат санъат музейида, Уфадаги “Мирас” уй музейида сақланади. 1975 йилдан Рассомлар уюшмаси аъзоси, Бошқирдистон Илишевский район фахрий фуқароси, Руденченко Виталий Алексеевич 1985 йил 13 ноябрда автохалокат туфайли вафот этади.

- [Выставка памяти художника Виталия Руденченко открылась в Уфе \(bashinform.ru\)](#)
- [Руденченко, Виталий Алексеевич \(media-inform.com\)](#)
- [Руденченко, Виталий Алексеевич — Википедия \(wikipedia.org\)](#)
- [Руденченко Виталий Алексеевич \(Bashenc.Online\)](#)

"...я родился в Узбекистане"



Михаил Рафаилович Насыров родился 8 марта 1982 года.

«...я родился в Узбекистане. Долгое время мы жили в суровом Челябинске,... а несколько лет назад я переехал в Волгоград. Так что у меня есть несколько мест, где я чувствую себя как дома» - поделился своими воспоминаниями в одном из интервью наш земляк, ныне именитый волгоградский боксер, спортивный деятель и бизнесмен Михаил Насыров. Последние годы живет в Волгограде

Поэтому вся его спортивная творческая, предпринимательская и общественная жизнь связана с Россией, которую он прославил своими спортивными победами. Он неоднократный чемпион Урала и Сибири, России, СНГ и славянских стран по боксу среди профессионалов в тяжелом весе. В любительском боксе он провел 130 боев (в 115 из которых одержал заслуженную победу), в профессиональном боксе одержал 19 побед (из них 13 нокаутом) и потерпел всего 2 поражения.

Закончив спортивную карьеру, он занялся бизнесом. И здесь смог добиться успехов.

Он владелец компании «Автовектор», председатель совета Волгоградского регионального отделения Общероссийской общественной организации «Комитет национальных и неолимпийских видов спорта России». Занимается благотворительностью.

Хобби: прыжки с парашютом, горные лыжи, полет на парашлане.

Инстаграм М. Насырова: champmn@mail.ru
www.volgograd.kp.ru: Михаил Насыров

БИЛАСИЗМИ:

қизиқарли маълумотлар

Биринчи босма китоб



Первая печатная книга датируется 868 годом. Ее название «Сутра о Совершенной мудрости, рассекающей (тьму невежества) как удар молнии», европейцам известна под названием «Алмазная сутра». Страна появления – Китай

Биринчи босма китоб 868 йил 11 майда чиқарилган бўлиб, унинг номи " Алмазная сутра". Ушбу китоб Хитойда нашр қилинган. Хитой бундан олдин ҳам босма ва қоғоздан фойдаланиш тажрибасига эга бўлган. Лекин у биринчи босма сана билан биринчи босма нашрга эга бўлган китобдир. Китоб асосан хулқ - атвор қоидалари, нутқ, фикрлаш тарзи мажмуи ҳисобланади. Китоб Европада шрифт чоп этиш технологияси пайдо бўлишидан юз йиллар олдин нашр этилган. Уни Уста Ван Цзи лойдан хаг тайёрлаб ва хар бир иероглифни чоп этади. Бу албатта, ишлаб чиқариш техникаси жиҳатидан энг ноёб нашр бўлиб, Британия кутубхонаси коллекцияларида сақланади.

Энг қадимги Қуръони Карим



Самая почитаемая рукопись Корана - это Коран Османа. Была обнаружена в 2015 году в Бирмингеме и представляет собою отдельные отрывки, написанные на овечьей или козьей коже в 7 веке. Возраст книги датируется не менее, чем 1370 лет.

Қуръони Каримнинг энг қадимги қўлёзмаси Усмон Қуръонидир. 2015 йилда Бирмингемда топилган ва 7-асрда қўй ёки эчки терисига ёзилган алоҳида парчаларни ўзида ифодалайди." Олимларнинг фикрича, улар пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлик чоғларида саҳобалар томонидан ёзилган бўлиши мумкин. Радиоуглеродли таҳлил терининг ёшини камида 1370 йил деб (568 ва 645 орасида) белгилади. Қуръон қўлёзмаси 100 йил олдин Бирмингем университетига эронлик тарихчи томонидан топширилган. Матн араб ёзувида, Ҳижозий шрифт (энг дастлабки Қуръон шрифтларидан бири) асосида ёзилган.

Самая маленькая библиотека



Манба:

<https://oliymahad.uz/16756>

[10 древнейших рукописей Корана в мире \(muslim.uz\)](http://10 древнейших рукописей Корана в мире (muslim.uz))

Старшее поколение помнит телефонные будки - крошечное сооружение из металла, оснащенное таксофоном. Время мобильных телефонов вытеснило необходимость в них. И англичане, как весьма бережливые люди, не сдали эти будки на утиль. Они использовали их для размещения книг, то есть организовали своеобразную библиотеку, в которую выстраивается очередь. Ведь данная площадь позволяет войти в будку только одному человеку.


Самая маленькая библиотека в мире. Это интересно. chitalochka-ru.ru



Z.M.Bobur haqida yozilgan kitoblarning mualliflari ismi va familiyasi yashiringan krossvord



**Bilimingizni
sinab
ko'ring!**



Eniga:

2. «Biz bilgan va bilmagan Bobur» kitobining muallifi ismi?
4. «Buyuk Boburiylar tarixi» kitobining muallifi familiyasi?
7. «Boburni izlab» kitobining muallifi ismi?
8. «Boburiyodalar» kitobining muallifi familiyasi?
10. «Bobur shaxsiyati va she'riyati» kitobining muallifi ismi?
11. «Boburiylardan biri» kitobining muallifi familiyasi?
12. «Boburni tushunish baxti» kitobining muallifi ismi?
13. «Boburiylar sulolasi» kitobining muallifi familiyasi?
14. «Buyuklar izidan» kitobining muallifi ismi?

Bo'yiga:

1. "Xind sorig'a" kitobining muallifi ismi?
3. «So'zimni o'qub anglag'aysan o'zumni» kitobining muallifi ismi?
5. «Asrlarni bo'ylagan Bobur» kitobining muallifi ismi?
6. Shox «Bobur yulduzi» kitobining muallifi ismi?
9. «Bobur haqida o'ylar» kitobining muallifi familiyasi?
10. «Andijondan Bag'dodgacha» kitobining muallifi ismi?



Aziz obunachilar!

Ushbu krossvorddagi savollarga qanchalik to'g'ri javob berganingizni bilish uchun <https://libbobur.uz/archives/17> veb sahifamiz orqali onlayn krossvordga o'zingiz topgan javoblarni kiritib bilib olishingiz mumkin.

Agarda sizda onlayn krossvordga kirishga imkon bo'lmasa, javoblarni jurnalizmining keyingi sonida chop etamiz

Тузувчи: И.Мухтаров

Bobur nomidagi Andijon viloyati axborot-kutubxona markazi 1-chorakda o'tkaziladigan "Unitilmas va yubiley" sanalarga bag'ishlangan tadbirlarga sizlarni taklif etadi.

**YANGILIKLAR,
ANONS - 2022**



Yanvar



Suhbat

“O‘zbek musiqa ijrochilik san’atining yirik namoyandasi” bastakor, xonanda va sozanda, o‘zbek musiqa merosini to‘plovchisi, O‘zbekiston xalq artisti, O‘zbekiston FA akademigi Yunus Rajabiy tavalludining 125 yilligi.

06.01.2022

Abonementlar
sektori
1-qavat

27.01.2022

Umumiy o‘quv
zali sektori
3-qavat

Xotira soati

“Islom Karimov Mustaqil O‘zbekiston asoschisi”
(30 yanvar – I.Karimov tavalludi kuni)



Fevral



Anjuman

“Bilmak Navoiyni zo‘r ma‘rifat nishoni”.
Buyuk o‘zbek shoiri, mutafakkir, davlat arbobi Nizomiddin
Mir Alisher Navoiy tavalludining 581 yilligi

07.02.2022


Umumiy o‘quv
zali sektori
3-qavat

14.02.2022

Umumiy o‘quv
zali sektori
3-qavat

Anjuman

“Bobur – Sharq tarixining gavhari”.
Shox va shoir, mutafakkir, davlat arbobi
Zahiriddin Muhammad Bobur tavalludining 539 yilligi



Axborot-kutubxona markazi tomonidan 2022-yil 1-chorak davomida 88 dan ortiq ijtimoiy-madaniy tadbirlar o‘tkaziladi. Tadbirlar o‘tkazilish sanasi va joyi haqidagi ma‘lumotlarni <https://andijan.natlib.uz/event/monthlylist> olishingiz mumkin.

Sizlarni tadbirlarimizga taklif etamiz!



Axborot-kutubxona markazi quyidagi imkoniyatlarni taqdim etadi:

- O'z bilimingizni oshirish
- Mutaxassislar izohlari orqali jahon yangiliklaridan xabardor bo'lish
- Xorijiy tillarni o'rganish
- Bolalar tarbiyasida ta'limga oid resurslardan foydalanish
- Bo'sh vaqtingizni mazmunli o'tkazish
- Birgalikda fikringizni baham ko'rish va dunyoqarashingizni kengaytirish ko'nikmalariga ega bo'lish

Hammasi bepul

Наш центр предлагает вам следующие возможности:

- Повышать свое самообразование
- Быть в курсе мировых новостей с комментариями профессионалов
- Изучать иностранные языки
- Получать информационные ресурсы для воспитания и развития детей
- Найти тихое место вне дома и университета для подготовки к занятиям
- Собраться и обмениваться своими идеями и приобретать навыки публичности

И все это бесплатно

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

Абдурахмонов Ш. Қ. «Bobur kutubxonasi» маърифат кўзгусига айланади.....	2
Исмаилова Г.А. Йил сарҳисоби.....	3
ЎЛКАМ ТАРИХИ / ИСТОРИЯ МОЕГО КРАЯ	
Салиева Д. Ш. Прославивший Андиганскую землю.....	6
Ахунжанова О.Ю. Штрихи к истории первой библиотеки Андигане.....	10
КИТОБ МЕНИНГ ҲАЁТИМДА / КНИГА В МОЕЙ ЖИЗНИ	
Салоҳиддинов З. Ҳикматни китобдан топдим.....	18
Шаҳобитдинова Ш.Х. Китоб бебаҳо ва беминнат ўқитувчи.....	19
ЯНГИ ЗАМОН – ЯНГИ КУТУБХОНА / НОВОЕ ВРЕМЯ - НОВАЯ БИБЛИОТЕКА	
Шаҳобитдинова З.К. Қалбларда барҳаёт Муҳаммад Юсуф.....	21
КУТУБХОНА. ОИЛА. МАКТАБ. / БИБЛИОТЕКА. СЕМЬЯ. ШКОЛА.	
Болани ўқишга ўргатиш. Библиограф маслаҳати.....	25
Қодирова У., Ҳолбекова З. Оилавий китобхонлик – инсон маънавиятини бойитади.....	29
Шокирова Ш. Маълумот-библиография хизмати: янги технологиялар.....	32
КУТУБХОНА ВА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК / БИБЛИОТЕКА И СОЦИАЛЬНОЕ ПАРТНЕРСТВО	
Захирова К. Д. Партнерский проект «Школа читательской культуры».....	36
Бурхонова О. Тадбиркорларга ахборот-кутубхона хизмати.....	38
ХОТИРА АБАДИЙ / ПОМНИМ	
Таҳририятдан: Ҳамкасбимиз хотирасига: Тўхтаев Исмоил Иброгимович.....	40
ДАЙЖЕСТ	
Бизнинг машҳур ватандошларимиз Андигон тонг юлдузи.....	41
Миллий опера намояндаси.....	42
Севгига тўлган юрак.....	43
Андигонлик Бошқирдистон рангасвир устаси.....	44
« ... я родился в Узбекистане..».....	44
БИЛАСИЗМИ... / ЗНАЕТЕ ЛИ ВЫ...	
Қизиқарли маълумотлар.....	45
З.М.Бобур ҳақида ёзилган асарлар бўйича кроссворд.....	46
АНОНС	
Янгиликлар. Анонс-2022.....	47
Axborot-kutubxona markazi taqdim etadi.....	48

"Bobur kutubxonasi" Андигон вилоят ахборот-кутубхона марказининг маънавий-маърифий журнали

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Г.Исмаилова - Бобур номидаги Андигон вилоят ахборот-кутубхона маркази директори, раис

Кенгаш аъзолари:

А.Умаров - соц.ф.д., профессор
У.Тешабаева - Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори
З.Машрабов – Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси
Ш.Шаҳобитдинова – фил.ф.д., профессор
З.Таджибаев – Андигон вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

О.Ахунжанова - муҳаррир
Д.Абдуллаева - фил.ф.д., доцент
М.Темирова - т.ф.д., доцент
Ш.Каримов - Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бош мутахассиси
Н.Юлдашева – Ахборот кутубхона ишлари бўйича директор ўринбосари
И.Мухтаров – Ахборот технологиялари ва инновацияларни жорий этиш бўйича директор ўринбосари

Дизайн

И.Мухтаров
С.Бабич

Журнал 2021 йил 17 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан № 1212 рақам билан рўйхатга олинган

Журналдан кўчириб босилганда "Bobur kutubxonasi" маънавий-маърифий журналдан олинганлиги кўрсатилиши шарт

Босишга 17.01.2022 йилда руҳсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8
Нашриёт ҳисоб табағи 6,5
Адади 500 дона

АЛОҚА УЧУН МАЪЛУМОТ:

Манзил: Андигон ш.,
А.Фитрат кўчаси, 232-уй.
Тел.: 74-223-79-80
E-mail: andijan@natlib.uz
Телеграм: t.me/andakmbot
Веб сайт: andijan.natlib.uz



Келгуси сонда: В следующем номере:

- ▶ **СОСТОЯНИЕ И ПРОБЛЕМЫ
ФОРМИРОВАНИЯ ФОНДОВ БИБЛИОТЕК
ОБЛАСТИ**
- ▶ **KUTUBXONA XIZMATINING YANGI TURI:
ISH TAJRIBASIDAN**
- ▶ **MARKETING TALABNI SHAKLLANTIRISH VA
KUCHAYTIRISH UCHUN BOSHQARUV
TEKNOLOGIYASI SIFATIDA**
- ▶ **ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБУЧЕНИЕ:
СТРАТЕГИЯ, МЕТОДЫ, ТЕХНОЛОГИЯ**

